

## XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ БОЗОРЛАРИДА СОЛИҚ ВА ЙИГИМЛАР

*Азиза Абдухалирова*

Ўқитувчи

*Тошкент давлат шарқшинослик университети*

**Аннотация.** Ўрта асрлар Ўрта Осиё хонликларида бозорлар шаҳар ва унинг аҳолисининг ижтимоий ҳаётининг муҳим қисми бўлган. Маҳаллий аҳолининг бутун иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти бозор атрофида шаклланган. Шу нуқтаи назардан хонлик бозорлари ва уларда олинган солиқларни ўрганиши долзарб масалалардан саналади. Ушбу мақола Хива хонлиги шаҳар бозорларидағи фаолият олиб борган шахслардан олинган солиқ, тўлов ва турли йигимлар тадқиқига бағишиланган.

**Калим сўзлар.** Хива, бозор, солиқ, божмон, тўлов, тагижой, даллол ҳақи, тарозу ҳақи, муанат пули, дўкон пули.

## НАЛОГИ И СБОРЫ НА РЫНКАХ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА С КОНЦА XIX ВЕКА ПО НАЧАЛО ХХ ВЕКА

*Азиза Абдухалирова*

Преподаватель

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

**Аннотация.** В средневековых среднеазиатских ханствах рынки были важной частью общественной жизни города и его жителей. Вся экономическая, социальная и культурная жизнь местного населения формируется вокруг рынка. С этой точки зрения изучение рынков ханства и поступающих на них налогов считается актуальным вопросом. Данная

статья посвящена изучению налогов, сборов и различных комиссий, получаемых от физических лиц, которые осуществляли деятельность на городских рынках Хивинского ханства.

**Ключевые слова.** Хива, рынок, налог, бажман, сбор, тагиджой, даллог пули, тарозу хаки, мuanат пули, дукон пули.

## TAXES AND FEES IN THE KHIVA KHANATE'S MARKETS FROM THE END OF THE 19<sup>TH</sup> – CENTURY TO THE START OF THE 20<sup>TH</sup>

Aziza Abdukhalilova

Teacher

Tashkent State University of Oriental Studies

**Annotation.** In medieval Central Asian khanates, bazaars were an important part of the city's social life and its inhabitants. The local population's entire economic, social, and cultural life is formed around the bazaar. From this point of view, the study of the khanate's bazaars and the taxes coming to them is considered an urgent issue. This article is devoted to the study of taxes, fees, and various commissions received from individuals who carried out activities in the urban bazaars of the Khiva Khanate.

**Keywords.** Khiva, market, tax, bazhman, collection, tagidjoy, dallol puli, tarazu khaki, manat puli, dukon puli.

### КИРИШ.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигининг турли шаҳарларида 34 та давлатга тегишли бозорлар фаолият юритган. Бозорларнинг катта-кичиклигига кўра 50 тадан 400 тагача дўконлар мавжуд бўлган. Ушбу дўконларда савдо қилувчи шахслар даромадларидан ва фойдаланган ҳизматлар учун давлат хазинасиға солиқ тўлаганлар.

XIX асрнинг 70 йиллари Хивада савдо муносабатлари жуда ривожланган даврда Янги Урганч бозорларида 400 та, Хива бозорида 300 та дўкон бўлганлигини тарихий ҳужжатлар билан далилланади. Хонлик бозорлари маҳсулот номлари билан аталиб ихтисослаштирилган. Жумладан, ғалла бозори, пилла бозори, баққол бозори, гуруч бозори ва бошқалар мавжуд бўлган<sup>1</sup>.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Мазкур бозорларда тижорат қилган фуқаролардан давлат фойдасига турли тўловлар ундирилган. Хива хонлиги бозорларида савдо ва хунармандлардан олинган солиқлар умумий – *закоти бозорно* деб номи билан юритилган.

Закоти бозорно тагижойи хақи, даллол хақ закоти, тарозу пулидан иборат бўлган. Мазкурлар хусусиятига қўра, мажбурий давлат солиқлари эмас, балки маълум хизмат учун тўлов эканлигини инобатга олиб, давлат йигимлари қаторига киритиш мақсаддага мувофиқ.

Тагижой деб аталувчи тўлов хонлик бозорларида савдо қилган жойи учун бериладиган хақ ҳисобланган. Унинг миқдори косиб – хунарманднинг касби, машғулоти ва бошқа омиллар билан боғлиқ равища турлича бўлган. XX аср бошлари рус манбаларида ва мустақиллик даври тадқиқотларида тагижой миқдори бозордаги дўкондорлардан йилига бир тилло, ўз дўконига эга бўлмаса 0.5 шохи, хунармандларнинг дўкон устахонасидан бир йилга бир пухта тилло “тагижой” олинганлигини қайд этилади<sup>2</sup>.

### МУҲОКАМА.

1872 йилга оид “Дафтари тагижойи бозорно”да 12600 тилло закоти бозорно олинганлиги қайд этилган. Бозор тўловларига доир яна бир ҳужжат – “Тагижойи дафтари Хивақ” деб номланган саноқ дафтарида Хива бозоридаги

<sup>1</sup> Содиков А. Россия и Хива во II половине и XIX в начале XX в дис.на с.у.с.док.ис.наук. – Москва, 1965. – С.305

<sup>2</sup> Тўраева С. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср 70-йилларида Хива хонлиги хунармандчилиги тарихи. Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. –Б.146

хунармандлар, савдогарларнинг номма-ном тўлиқ рўйхатлари ва тўлайдиган тагижой миқдори келтирилган<sup>3</sup>. Хужжат якунида хунарманд-савдогарлар жами уч юз саксон саккиз тилло *тагижой* тўлаган. Шунингдек, Хивада бир турдаги маҳсулотлар сотиладиган ихтисослашган бозорлар – кунжут, ғлла, пилла, гуруч ва тамаки бозорларидан 812 тилло тагижойи олинган<sup>4</sup>. Тагижойи тўлови бозор божмонлари томонидан йифилган.

Шунингдек, хонликда 11 та хусусий бозорлар ҳам бўлган, у ерда тагижой қасб бирлашмалари оқсоқоли томонидан йифилган ва божбонларга топширилган. Бу бозорларда тагижойи билан бир қаторда даллол ҳақи закоти ҳам йифилган. Қўйидаги хужжат матни унинг миқдори ва шаҳарлар кесимида ўзгариши аниқ кўрсатилган<sup>5</sup>.

Хонлик бозорларида сотувчи ва харидор ўртасидаги воситачилик қилганлиги учун даллол ҳақи тўлови олинган. Даллол ҳақи тўлови закоти бозор таркибиغا кирувчи тўлов сифатида улгуржи савдо қилаётган шахслардан ҳар 20 тиллодан 1 танга миқдорида олинган<sup>6</sup>. Одатда бир йилда бундай тўловдан хонлик хазинасига ўн минг тиллога яқин тушум бўлган.

XX асрда хонликда бошланган ислоҳотчилик хонлик бозорларидаги солиқларнинг миқдори, тартибиغا ҳам ўзгартиришлар олиб келди. Асфандиёрхоннинг муборакномасида бозорлардаги соликлар тартибиға солинишига алоҳида урғу берилади.

1910 йилги Исломхўжа ислоҳот дастурида “Бозор муанати тўғрисинда” деб аталган 4-бобида Хива бозорларида икки ҳолатда солик олининиши: мол сотганлиги ёки устачилик қилгани учун муанат олишни кўзда тутарди. Улардан биринчиси, бозорларда сотиш учун олиб чиқилган чорва эгаси ярим тангадан 3 тангагача, яъни 10 тийиндан 60 тийингача солик тўлаши

<sup>3</sup> ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 422- йигма жилд, 1-варак.

<sup>4</sup> ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 422- йигма жилд, 5-варак.

<sup>5</sup> Ниязматов М. Поиск консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX в. – СПб., 2010. – 159 с.

<sup>6</sup> Кун А. Заметки о подрятах в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости – 1873. №32;– С.125

лозим бўлган. Солик миқдори чорва туридан келиб чиқсан ҳолда белгиланган. Туя сотгандан 3 танга олинган бўлса, от ва қорамол эгасидан 2 тангадан, қўй ва эчкilarдан яrim тангадан бозор муанати ундирилган<sup>7</sup>. Бироқ, чорва моллари учун закот берилиб, эгалари қўлларида фатак бўлган тақдирда чорванинг иккимаротабазакотланишиниолдиниолиш мақсадида тўлов анчагина пасайтирилган. Божбонлар бозор пули учун ҳар туждан 1 танга, ҳар қўйга 1 шоҳидан олган. Мол ва қўйлари сотиб бўлгандан сўнг мол эгасидан фатакни божбонлар олиб қолишлари лозим бўлган. Бу қоида фатакни олган кундан 6 ой муддатгача хонликнинг барча бозорларида ёки саҳроларда сотилган маҳсулотлар учун амал қилган, 6 ой муддатидан ўткан тақдирда чорва молларидан аввалги тартибда солик ундирилган. Закоти бозорнода чорва билан боғлиқ яна бир ҳолат Россия фуқароларининг Амударё музофотидан олиб келиб, хонлик бозорларида ўз чорвасини сотганлиги учун бозор божбонлари молни олган одамдан от ва қорамолга 2 тангадан, туждан 3 танга, қўйига яrim тангадан закот олинсин деб белгиланган. Агар қассоблар рус фуқароларидан мол олиб сўйиб сотсалар, мол эгасини кўрсатмаса, ёки мол закотланган бўлмаса, закот пули қассобдан ундирилган. Бозор солиқларида яна бир ҳолат божбонлар мол эгасидан қўй учун семиз ёки боқма ёки жонли қўзи баҳонаси билан ортиқча пул талаб қилмаслик тартиби жорий қилинган<sup>8</sup>.

Хива бозорларида ҳайвон териси сотувчи расталар мавжуд бўлиб, олиб сотарлар бозорларга сотувга олиб чиқилган терининг ҳар ўн донасидан 1 шоҳи солик олинган.

Иккинчи тур бозор солиқлари устачилик қилган шахсларга тегишли бўлиб, катта дўконлардан бир йилга 3 тилло, яъни 5 манот 40 тийин, қичик дўконлар ва устахоналардан 2 тилло, яъни 3 манот 60 тийин олинган<sup>9</sup>. Аммо бу миқдор ўзгарувчан бўлиб, ҳунарманднинг даромади (хизматининг

<sup>7</sup> Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли хужжат

<sup>8</sup> Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли хужжат

<sup>9</sup> Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли хужжат

талабгирилиги) дўқоннинг ихтисослигига кўра, унинг миқдори белгиланган. Хива шахри бозорида 22 хил косиб дўқонлари мавжуд бўлиб, ҳунармандлар саройларда, бозорда, чорсуда ёки уйларидан очилган дўқон учун бир йилга ҳар бир дўқонидан белгиланган солиқ тўлашган. Шунингдек, дўқонда неча киши фаолият юритишидан қатъий назар, солиқ миқдори ўзгармаган.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Маълумки, Хива хонлиги шаҳарларида бозорлар ҳафтасига бир ёки икки кун ўтказилган. Савдогарлар шу кунларда бозорга чиқиб, тижорат ишлари билан шуғулланган. Қолган кунлари доимий фаолият юритадиган карвонсаройларда ва уйларида очилган дўқонлар савдо қилишган. Шу билан бирга, кўчманчи чорвадорлар яшаш манзиллари яқинларида хафтада бир-икки маротаба сахроларда бозор ташкил этилган. Савдогар хонликнинг исталган кунида асосий бозорларда, шахсий дўқонида ва сахро ёки ёф бўйларида буюмларини сотишидан қаъий назар бир маротаба солиқ ундирилган<sup>10</sup>.

Кемада келган юқдан бож олишни ман этилган. Солиқлар хонлик шаҳарларида юқ ортилган шаҳар божбони ёки сотув учун олиб келинган шаҳар бозорда божбон томонидан олинган. Агар Амударё бўлимида яшовчи рус фуқаролари кема орқали ўз маҳсулотларини Хивага олиб келиб сотмоқчи бўлсалар ўз божбонларидан руҳсат олиб келишлари ва руҳсатнома ва папортларини хонлик божбонларига кўрсатишлари керак бўлган. Тегишли хужжатга эга бўлмаган тақдирда давлат тўлови ундирилган. Хива фуқаролари қозоқли ва Чимбойга кема билан турли молларини олиб сотсалар, ҳар ботмонидан 1 фул беришлари талаб этилган<sup>11</sup>.

Ислоҳотлар дастурида Хива хонлигида бозорларда устачилик қилганлиги учун закот ва тагижойи олиш тартиби сақлаб қолинган. Усталардан олинадиган солиқ ҳунармандчилик турининг мashaқнати, харидорлиги, талабчанлиги каби омиллар асосида белгиланган. Мисол учун

<sup>10</sup> Иchan Қалъа музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли ҳужжат

<sup>11</sup> Иchan Қалъа музей қўриқхонаси архиви № 36/88 рақамли ҳужжат

[www.sharqjurnalı.uz](http://www.sharqjurnalı.uz)

DOI: 10.5281/zenodo.14050246

заргарлик дўконларидан йилига 3 тилло, темирчи, пичокчи, эгарчи, тунукачи усталар дўконидан 2 тилло, кулғар, сандиқ ясовчи усталар 1 тиллодан солик олинган<sup>12</sup>.

Хива бозорларига сотилган тамаки маҳсулоти асосан, Бухоро амирлиги ва Афғонистон худудидан олиб келинган. Хивада тамаки маҳсулотлари инсон саломатлиги учун заарли деб ҳисобланиб, у оғунинг бир тури деб эълон қилинади ва қўшни худудлардан кираётган тамаки учун юқори бож белгиланади. Давлат бозорлари сотилаётган ҳар қандай турдаги тамаки учун ҳам сотувчидан, ҳам харидордан тўлов олинган<sup>13</sup>.

Шунингдек, хонлик бозорларига маълум тур маҳсулотни олиб кириш ва савдо қилиш хуқуқи учун тўловни ҳам амалга ошириши талаб этилган. Бу “патақ пули” деб номланиб, савдогар айланма маблағининг 2% и миқдорини ташкил этган<sup>14</sup>.

## ХУЛОСА.

Хулоса қилиб айтганда, Хива хонлиги бозорларида турли хил солик, тўлов ва йигимлар жорий этилган. Улардан айримлари тижорат ёки хунармандчилик билан шуғулланувчи шахслардан олинган даромад солиги хусусиятини касб этади. Тарозу пули ва даллол ҳақи сингари йигимлар давлат хизматидан фойдаланилганлик учун тўлов бўлган. Исломхўжа ислоҳотлар дастури бошқа соҳалар сингари бозор тўловларини ҳам тартибга солинди. Айрим тўлов миқдорлари камайтирилди, маҳсулотнинг икки маротаба закотланмаслиги учун патталардан кенг фойдаланилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 422- йигма жилд, 1-5-вараклар.
2. Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли ҳужжат

<sup>12</sup> Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 32/74 рақамли ҳужжат

<sup>13</sup> Иchan Қalъa музей қўриқхонаси архиви № 36/26 рақамли ҳужжат

<sup>14</sup> Кун А.Заметки о подъятах в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости. №32, 1873. –С.126

3. Иchan Қалъа музей қўриқхонаси архиви № 36/26 рақамли ҳужжат
4. Иchan Қалъа музей қўриқхонаси архиви № 36/88 рақамли ҳужжат
5. Кун А. Заметки о подятах в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости— 1873. №32;— С.125
6. Содиков А. Россия и Хива во II половине и XIX в начале XX в дис.на с.у.с.док.ис.наук. – Москва, 1965. – С.305
7. Тўраева С. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср 70-йилларида Хива хонлиги ҳунармандчилиги тарихи. Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. –Б.146
8. Ниязматов М. Поиск консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX в. –СПб., 2010. – 159 с.